

Арбаъин / Арбаъин / 31-ҳадис

عَنْ أَبِي الْعَبَّاسِ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، ذَلَّنِي عَلَى عَمَلٍ إِذَا عَمَلْتُهُ أَحَبَّنِي اللَّهُ وَأَحَبَّنِي النَّاسُ. فَقَالَ: "أَزْهَدْ فِي الدُّنْيَا يُحِبُّكَ اللَّهُ، وَأَزْهَدْ فِيمَا عِنْدَ النَّاسِ يُحِبُّكَ النَّاسُ".

(حديث حسن رواه ابن ماجه وغيره بأسانيد حسنة).

Зоҳидлик моҳияти ва унинг самараси

Абул Аббос Саҳл ибн Саъд Соидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, деди:
- Ё Расулуллоҳ! Менга шундай бир амални кўрсатингки, агар уни қилсам, Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам мени яхши кўрсин.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Дунёга қизиқма, шунда Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлардаги нарсаларга қизиқма, шунда одамлар ҳам сени яхши кўришади.

(Ибн Можа ва бошқалар ривояти).

Ҳадиснинг аҳамияти ҳақида

Мазкур ҳадис Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки улкан насиҳатларини ўзида жамлаган:

1. Дунёга нисбатан зоҳид бўлмоқ. Шубҳасиз, ҳаёти дунёга кўнгил бермаслик Аллоҳнинг муҳаббатини қозонишга сабабдир.

2. Одамлар қўлидаги мол-дунёга нисбатан зоҳид бўлмоқ. Албатта инсонлар тамағирлик қилмайдиган, камсуқум кишиларни ёқтирадилар.

Инсон икки дунёда ҳам саодатли бўлмоғи учун ўзида қўидаги хислатларни шакллантирмоғи лозим. Аввало, у боқий Охират неъматларини ўткинчи дунё лаззатларидан афзал билиб, Парвардигори муҳаббатига ноил бўлмоғи, қолаверса бандалар қўлидаги мол-дунёга тама кўзини тикмасдан, боқий яхшиликлар сари иззат ва ибодат билан интилиб, одамлар муҳаббатини қозонмоғи керак. Зеро, Охиратдаги боқий неъматлар ўткинчи лаззатлардан яхшироқ ва умид қилишга лойиқроқдир. Шу боис Ибн Ҳажар Ҳайтабий мазкур ҳадисга қўидагича баҳо берганлар:

“Ушбу ҳадис Ислом асоси бино бўлган тўрт ҳадиснинг бири ҳисобланади”.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

1. Зоҳидликнинг маъноси

Дунёга нисбатан зоҳид бўлишни салаф ва халаф уламолари турлича шарҳлаганлар. Бироқ ушбу хилма-хил иборали таърифларнинг барчаси қуйидаги ривоят асосида бирлашади:

Имом Аҳмад Абу Идрис Хавалонийдан ривоят қиладилар:

“Дунёга нисбатан зоҳид бўлиш ҳалол неъматни ўзига ҳаром билиш ёки молини зое этиш билан амалга ошмайди. Ҳақиқий зоҳидлик ўз қўлингдаги нарсага қараганда Аллоҳнинг измидаги нарсага кўпроқ ишонишинг ва бир мусибат етса, унинг ажрига ва Охират учун захира бўлишига ўша мусибатнинг ўрни сен учун тўлиб туришига қараганда кўпроқ умидвор туришингдир!”

Ушбу таърифда зоҳидлик қалбга тегишли бўлган уч амал билан шарҳланган. Уларнинг биронтаси ташқи тана аъзоларининг амалидан эмас. Шу боис Абу Сулаймон Дороний айтди:

“Ҳеч кимсага “У зоҳид” деб гувоҳлик берма. Зоҳидлик қалбда бўлади”.

Юқорида айтиб ўтилган уч амал қуйидагилардир:

Биринчи амал: Инсон ўз қўлидаги мол-давлатга қараганда Аллоҳ таоло мулкидаги нарсаларга кўпроқ ишонмоғи-суянмоғи лозим. Албатта, бу тўғри эътиқод ва Аллоҳ қафолатлаган нарсаларга (масалан ризқ-рўз масаласига) тўла амин бўлиш орқали вужудга келади.

“Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир!” (Ҳуд сураси, 6-оят).

“Ва осмонда сизларнинг ризқу рўзингиз ва сизларга ваъда қилинаётган нарса бордир!” (Зориёт, 22-оят).

Иккинчи амал: Мол-давлат ёки фарзанддан жудо бўлиш каби бирон мусибат етганда банд кетган нарсасининг ўз ўрнида қолишини эмас, ўша мусибат сабабли олинажак ажр-савобни кўпроқ исташи лозим. Ушбу хислат ҳам комил эътиқод самараси ҳисобланади ва у банданинг дунёга кўнгили қўймаганига далолат қилади.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху айтди:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қуйидагича дуо қилардилар: “Парвардигоро! Биз билан Сенга гуноҳ қилиш ўртасини тўсадиган кўрқувингни, бизни жаннатингга олиб кирувчи итоатингни ва бизга дунё мусибатларини енгил қилувчи иймон-эътиқодни биздан дариг тутмагин!”

Учинчи амал: Ҳақнинг муқобилида сизни мақтовчилар ҳам, қораловчилар ҳам сиз учун ҳеч қандай аҳамият касб қилмаслиги керак. Бу сизнинг ўтқинчи дунё ҳавасларига учмаслигингизни кўрсатади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху айтди:

“Аллоҳ ғабланидиган ишларда инсонлар розилигига эътибор бермаслик аниқ иймондир”.

Зоҳидлик ҳақида улуғ имомлар шундай деганлар:

Ҳасан Басрий: “Бировни кўрганда “У мендан афзал экан” деювчи одам зоҳиддир”;

Ваҳб ибн Вирд: “Насиб этмаган дунёвий нарсани ўйлаб сиқилмаслик ва қўлга киритилган дунёвий неъмат учун қувониб кетмаслик дунёга нисбатан зоҳидлик дейилади”;

Зухрийдан зоҳидлик хусусида сўрадилар: У киши:

“Сабрини ҳаром-ҳариш мағлуб этмаган, шукридан уни ҳалол машғул қилиб қўймаган банда зоҳиддир!” - деб жавоб бердилар;

Суфён ибн Уяйна: “Аллоҳ неъмат берса шукр қиладиган ва мусибат-синов келганда сабр этадиган банда дунёга нисбатан зоҳид бўлади”;

Рабиъа: “Зоҳидликнинг боши нарсаларни ҳақли равишда ҳосил қилиб, уларни ҳақли жойига сарфлашдир”;

Суфён Саврий: “Зоҳидлик бу ёмон ейиш ёки “або” (жундан тўқилган либос) кийиш эмас, балки орзу-ҳавасларнинг озлигидир!”;

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: “Орзу-ҳаваснинг камлиги ва одамлар қўлидаги нарсадан умидвор бўлмаслик зоҳидлик саналади”.

2. Зоҳидлик турлари

Айрим салафлар зоҳидликни уч қисмга бўлганлар:

а) Ширкни тарк этиш.

б) Маъсиятларни тарк этиш.

в) Ҳалол хусусида зоҳид бўлмоқ.

Зоҳидликнинг аввалги икки қисми вожиб, учинчи қисми эса вожиб эмас.

Ибн Муборак Муалло ибн Абу Мутенинг қуйидаги сўзларини келтирадилар:

“Зоҳидлик уч турли бўлади: сўзу амалда бирон бир дунёвий нарсани мақсад қилмасдан, Аллоҳ таоло учун холис бўлиш; бемаъни ишларни қўйиб, фақат яхшилиги бор амалларни қилиш; ҳалол хусусида ҳам зоҳид бўлиш. Зоҳидликнинг бу қисми ихтиёрийдир”.

Иброҳим ибн Адҳам айтадилар: “Зухд уч турга бўлинади: фарз зухд, фазл зухд ва саломатлик зухди. Ҳаромдан зоҳид бўлмоқ - фарз зухд, ҳалол хусусида зоҳид бўлмоқ - фазл зухди, шубҳали нарсалардан йироқ юрмоқ - саломатлик зухди”.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан ҳам зухднинг уч тури ривоят қилинади:

Биринчи: Ҳаромни тарк этиш. Бу омманинг зоҳидлиги.

Иккинчи: Ҳалолнинг ортиқчасини тарк этиш. Бу хослар зухди.

Учинчи: Аллоҳдан машғул қилиб-чалғитиб қўювчи нарсалардан зоҳид бўлиш. Бу орифлар зухдидир.

3. Инсонни зоҳид қилувчи сабаблар.

Киши дунёдан кўнгил узмоғи учун қуйидагиларни ҳис қилиши лозим:

а) Охиратни ва Қиёмат куни Парвардигор қаршисида туришни ҳис этмоқ. Ана шунда инсон ҳавои нафсидан ғолиб келади, ўткинчи дунёнинг арзимас матолари ва бачкана ҳою ҳаваслардан юз ўгиради.

Ҳориса розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дедилар:

- Мен энди ҳақиқий мўминман!

- Албатта ҳар битта мўмин учун ҳақиқатнинг ҳаққи бор! - дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам - Сенинг иймонинг ҳақиқати нима?

- Мен нафсимни дунёдан ажратиб олдим. Энди мен учун унинг тош-тупроғи баробар. Мен гўёки Парвардигорим Аршига шундай қараб тургандайман. Гўё жаннат аҳлининг жаннатда роҳатланишига ва дўзах аҳлининг дўзахда азоб чекаётганига қараб тургандайман!

- Эй Ҳориса, билибсан, бас, маҳкам тур! - дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

б) Дунё лаззатлари қалбларни Аллоҳ таолодан машғул қилиб қўяди. Олий даражаларлардан бенасиб этади. Охир-оқибат, пайти келиб жуда оғир бир Кунда неъматлар шукронасининг савол-жавоби бандани узоқ вақт ушлаб қолади. “Сўнгра ана ўша Кунда албатта неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар”. (Такосур, 8-оят).

в) Инсон мол-давлат орттириш йўлида қанча машаққат ва хорликларга чидайди. Бироқ дунёнинг алдови кўп, у бирпасда йўқ бўлиб кетади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло наздида дунёнинг нечоғлик ҳақир-арзимас эканлигини қуйидагича ифодалаганлар:

“Агар Аллоҳ ҳузурда дунёнинг пашша қанотичалик қиймати бўлганида, кофирга ундан бир қултум сув ҳам ичирмас эди”. (Термизий ривоятлари).

г) Дунё малъундир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Дунё малъундир. Ундаги нарсалар ҳам лаънатланган. Фақат Аллоҳ зикри ва Унга яқин нарсалар, олим ёки ўрганувчигина бундан мустаснодир!” (Ибн Можа ривоятлари).

Яна бир ривоятда: “Фақат Аллоҳ таоло юзи учун қилинган нарсаларгина бундан мустасно!” дейилган. Яъни, дунёга ҳам, унинг Аллоҳдан узоқлаштирувчи ўткинчи лаззатларига ҳам лаънат тамғаси босилган. Фақат Парвардигорни танитгувчи ва Унга яқин қилувчи фойдали иш, Аллоҳ зикри ва У Зотга яқинлаштирувчи бошқа амалларгина бундан мустасно.

4. Дунё муҳаббат қўйишга арзимаёди.

Унга алданиб қолишдан эҳтиёт бўлайлик. Ҳақиқий зоҳид оят-ҳадисларни ўқиган сари ўз мавқеида тобора мустаҳкам ўрнаша боради. Дунёнинг арзимас мато эканига ва унга алданиб қолишдан эҳтиёт бўлиш лозимлигига яна бир бор иймон келтиради.

“Йўқ, сизлар, ҳаёти дунёни устун қўюрсизлар! Ҳолбуки Охират яхшироқ ва боқийроқдир”. (Аъло сураси, 16,17-оятлар).

“Уларга айтинг: “Дунё матоси озгинадир. Аллоҳдан қўрққан кишига Охират яхшироқдир”. (Нисо сураси, 77-оят).

“...Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё алдаб қўймасин ва ҳаргиз сизларни “ғарур” (яъни шайтон) Аллоҳ (гуноҳни кечиб юборади деган алдов) билан алдаб қўймасин”. (Луқмон сураси, 33-оят).

“(Мушриклар) мана шу ҳаёти дунё билан шод-хуррам бўлдилар, ҳолбуки бу ҳаёти дунё Охират олдида фақат бир арзимас матодир”. (Раъд сураси, 26-оят).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларини одамлар ўраб олган ҳолда бозор ёнидан ўтдилар. Сўнг қулоқлари тагидан кесиб ташланган

улоқча жасади ёнида тўхтаб, унинг (кесик) қулоғидан кўтардилар.

- Қай бирингиз манавини бир дирҳамга олишни истайсиз? - дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам.

- Биз уни текинга олишни ҳам истамаймиз. Уни нима қиламиз?! - дейишди саҳобалар.

- Уни текинга ҳам олмасмидингиз?

- Аллоҳга қасамки, агар у тирик бўлганда ҳам, уни хоҳламас эдик. Чунки унинг қулоқлари кесик! Қандай қилиб, ўлик ҳолида унга кўнглимиз чопсин?!

- Аллоҳга қасамки, сизларга манави улоқча қанчалик хор-ҳақир кўринса, Аллоҳ таоло наздида дунё бундан-да хорроқдир! (Муслим ривоятлари).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Охират олдида дунё худди бирингизнинг бармоғини денгизга тикиб олганидек, холос: кўрсин-чи, у қанчайм нарса олиб чиқаркин”. (Муслим ривоятлари).

5. Китобу Суннатда дунёнинг қораланиши унинг замони ёхуд маконига тегишли эмас.

Мазкур қоралаш дунё замони, яъни унинг кеча-кундузига тааллуқли эмас. То Қиёматга қадар Аллоҳ амри ила ўрин алмашиб келувчи кеча-кундузлар зикр ва шукр қилувчи бандалар учун ана шундай кетма-кет қилиб қўйилди.

Аллоҳ таоло пойандоз ва тинч маскан этиб қўйган дунё макони - ер ҳам, ундаги дов-дарахт, экин-тикин ва турли жонзотлар ҳам Китобу Суннатда асло қораланмаган. Чунки уларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг бандаларига инъом этган неъматлари ҳисобланади. Инсонлар уларга қараб Парвардигорлари қудратини кўрадилар ва улардан ҳамиша фойдаланадилар.

Юқорида зикр этилган қоралов дунёдаги амалларга тегишлидир. Чунки уларнинг аксарияти Пайғамбарлар кўрсатмасига зид ва оқибати беҳайр зарарли қилмишлар таркибига киради.

“Билинглари, бу ҳаёти дунё фақат ўйин-кулгу, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир, холос. У худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг (ёғиши сабабли униб чиққан) ўт-ўлани кофирларни ҳайратга солиб қўюр. Сўнгра у қурур, бас, уни сарғайган ҳолда кўрарсиз”. (Ҳадид сураси, 20-оят).

Ибн Ражаб Ҳанбалий айтадилар: “Одамлар дунёда икки қисмга бўлинадилар:

Биринчи қисм - Охиратни - савоб ва жазо уйини инкор этувчилар. Аллоҳ таоло бундай кимсаларни қўйидагича таърифлаган:

“Албатта Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган, ҳаёти дунёнинг ўзигагина рози бўлиб, фақат ўша билан хотирлари жам бўлган ҳамда Бизнинг оятларимиздан ғофил қолган кимсалар - ана ўшаларнинг жойлари, - касб қилиб ўтган гуноҳлари сабабли - дўзахдир!” (Юнус, 7-оят).

Улар ажал келгунча иложи борица кўпроқ лаззатланиб қолишни, дунё неъматларига бурканишни истовчи кимсалардир. “Кофир бўлган кимсалар лаззатлардан фойдаланиб, чорва ҳайвонлар еганидек еб-ичурлар ва дўзах уларнинг жойлари бўлур!” (Муҳаммад, 12-оят).

Ҳатто мана шу тоифа орасида ҳам дунёга кўнгил қўймасликка чақирувчилар

учрайди. Улар мол-давлат зиёдалашгани сари ғам-ташвиш ҳам кўпайиб боришини тушунадилар ва “Инсон мол-дунёга қанчалик боғланиб қолса, ўлим соатида улардан ажралишни ўйлаб шунчалик кўп ғам-алам чекади!” дейишади. Уларнинг зоҳидликдаги энг юқори даражаси мана шудир.

Иккинчи қисм: Ўлимдан кейин савоб ва жазо уйи борлигини тасдиқ этувчи, Пайғамбар шариатларига бўйин эгувчи одамлар. Мазкур тоифа уч қисмга бўлинади: ўзларига зулм қилувчилар, муқтасид-ўрта йўлни тутувчилар, Аллоҳ изни билан фақат хайр-яхшилик ортидан юрувчилар.

1) Ўзларига зулм қилувчилар. Кўпчиликни ташкил қилувчи бу тоифа кишилари мол-дунёни ўринсиз топиб, ўринсиз ишлатадилар. Уларнинг аксар ўй-фикрлари дунё бўлиб қолган. Ўйин-кулгу, зеб-зийнат, ўзаро мақтанчоқлик ва мол-давлатни кўпайтириш билан машғул қавм ана шулардир. Улар, гарчи Охиратга умумий суратда иймон келтирган бўлсаларда, дунёнинг мазмун-моҳиятини, унинг боқий ҳаёт сафари учун бир зумлик кўним эканини англамайдилар.

2) Муқтасид-ўрта йўлни тутувчилар. Улар дунёга нисбатан ўринли муносабатда бўладилар. Бироқ унинг мубоҳ яъни ҳаром қилинмаган лаззатларига ҳаддан ташқари берилиб кетадилар. Тўғри, улар бунинг учун азобланмайдилар. Лекин дунёнинг мубоҳ лаззатларига нечоғлик берилган бўлсалар, Охиратдаги даражаларига шунчалик нуқсон етади”.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Дунёнинг бирор нарчасига етишган банда - гарчи у мол-дунёга нисбатан сахий бўлса-да, - албатта, Охиратда Аллоҳ ҳузуридаги даражаларларини камайган ҳолда топади”.

Қатода ибн Нўмон розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар:

“Аллоҳ бир бандасини яхши кўриб қолса, худди сизлар касалларингизни сувдан асраганингиз каби уни дунёдан асрайди”. (Термизий ривоятлари).

“Аллоҳ таоло яхши кўрган бандасини бамисоли сизлар беморларингиздан хавфсираб уларни еб-ичишдан асраганларингиз каби дунёдан асрайди”. (Ҳоким ривоятлари).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Дунё мўминнинг зиндони, кофирнинг эса жаннатидир”. (Муслим ривоятлари).

3) Аллоҳ изни билан фақат хайр-яхшилик ортидан юрувчилар.

Улар дунёнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунганлар. Аллоҳ таоло нима учун бандаларини дунёга келтириб, уларга дунё лаззатларини неъматларини муҳайё этиб қўйганлигини қуйидаги оятда айтиб қўйилганидек тўғри англайдилар:

“Сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилмоқ учун!”

Салафлардан бири бундай шарҳлайдилар: “Аллоҳ таоло имтиҳон учун - кимнинг дунёдан кўнгил узиб, Охиратга юз тутишини кўрмоқ учун дунёнинг зеб-зийнат ва неъматларини яратганини айтгач, бу дунёнинг бир кун келиб йўқ бўлишини ҳам маълум этди:

“Ҳеч шак-шубҳасиз, ернинг устидагиларни сип-силлиқ, қуп-қуруқ қилиб (йўқ қилиб) қўювчи ҳам Биздирмиз”. (Каҳф сураси, 8-оят).

Дунёнинг оқибати шу эканини англаган мўмин бутун диққат-эътиборини Охират ҳовлисини обод этишга қаратади. У дунёда мусофир озиғи билан кифояланади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Мен билан дунё ўртасида нима ҳам бор? Мен билан дунёнинг мисли бамисоли дарахт соясида бироз дам олиб, сўнг уни тарк этган суворий кабидир”. (Термизий ривоятлари).

Мол-дунёга ҳирс қўймаган инсонларнинг аксарияти фақат тириклик учун зарур бўлган миқдор билан кифояланишган. Баъзан нафсни амал ва ҳаракатга тетикроқ қилиш мақсадида дунёнинг айрим мубоҳ неъматларидан тотинганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Дунёларингиз ичида менга аёллар ва хушбўйликлар ёқимли қилинди”. (Аҳмад ва Насоий ривоятлари).

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёдан аёллар, хушбўй нарсалар ва таомларни яхши кўрардилар. Аёллар ва хушбўйликлардан тотиндилар. Таомларга етишганлари йўқ”. (Аҳмад ривоятлари.)

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дунё неъматларидан тоат-ибодатларга куч топиш ва уларни зиёда этиш учун тотинар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Дунёдан Охирати учун захира йиғиб, охир-оқибат Парвардигорини рози этган банда учун дунё ҳовлиси нақадар яхши! Дунё Охират ғамидан тўсиб қўйган ва Парвардигори розилигидан чеклаб қўйган кимса учун у нечоғлик ёмон жой!» (Ҳоким ривоятлари).

6. Аллоҳ муҳаббатини қозониш.

Дунёга кўнгили қўймасдан, унга нисбатан зоҳид бўлиб Аллоҳ таоло муҳаббатини қозониш мумкин. Чунки Аллоҳ итоатли бандаларни яхши кўради. Дунё муҳаббати билан Аллоҳ муҳаббати бир жойда жамланмаслиги шаръий ҳужжатлар асосида ҳам, ҳаёт тажрибалари асосида ҳам исбот этилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Дунёга муҳаббат қўймоқ барча гуноҳ-хатоларнинг бошидир!”.

Аллоҳ таоло хато-маъсиятларни ҳам, гуноҳкорларни ҳам хуш кўрмайди. Дунё бир лаҳзалик ўйин-кулгудир! Аллоҳ ўйин-кулгини яхши кўрмас!

Қалб Аллоҳ мулки ҳисобланади. У ерда Аллоҳ муҳаббатига дунё муҳаббати шерик қилинмаслиги лозим. Шаҳват ва лаззатлар ортидан югуриб, Аллоҳ ибодатидан машғул бўлиб, дунёга муҳаббат қўймоқ ҳаром. Бироқ яхши амаллар қилиб, Аллоҳ таолога яқинроқ бўлиш умидида дунёни яхши кўрмоқ мақтовли муҳаббат саналади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Қариндошларига силаи раҳм қилишига ва бошқа яхши ишларига ёрдам берадиган ҳалол-пок мол солиҳ кишига нақадар ярашади-я!” (Имом Аҳмад ривоятлари).

7. Инсонлар муҳаббатини қозониш.

Бандалар муҳаббати қай тарзда қозонилиши юқоридаги ҳадиси шарифда очиқ баён этилди:

- Улар қўлидаги мол-давлатга кўз тикманг! Одамларнинг яхши кўрган нарсасини тинч қўйсангиз, улар сизни яхши кўрадилар. Аксарият қалблар дунё муҳаббатига гирифтор бўлган. Агар бирон кимса уларнинг маҳбуби-дунёларига кўз тикса, уни қаттиқ ёмон кўрадилар. Мол-дунёларига тамагирлик қилмасангиз, улар наздида сиздан яхши одам бўлмайди.

Ҳасан Басрий айтадилар:

“Инсон, модомики, одамлар қўлидаги нарсага кўз тикмас экан, улар учун суюқлидир. Киши қачон бировлар молига тама кўзи билан қараса, одамлар уни ҳурмат қилмай қўйишади. Сухбатидан қочиб, ўзини ёмон кўришади”.

Бир сахройи араб Басра аҳлидан сўради:

- Улуғларингиз ким?

- Ҳасан! - деб жавоб беришди басраликлар.

- У нима билан бу даражага эришди?

- Одамлар Ҳасаннинг илмига муҳтожлар. У эса одамларнинг мол-дунёларидан беҳожат!

- Бу нақадар яхши! - деди аъробий.

Хусусан, раҳбар ва олим кишилар ушбу хислатни ўзларида шакллантирмоқлари лозим. Чунки раҳбарлар бировлардан нарса тама қилмайдиган бўлсалар, эл муҳаббатини қозонадилар ва сўзлари ўтадиган бўлади. Халқ бундай раҳбар ортидан эргашади.

Дунёга ҳирс қўймаган олим омма орасида суюкли бўлади. Одамлар уни тинглайдилар, айтган панд-насихатларига амал қиладилар. Умар розияллоҳу анҳу ҳузурларида Ибн Салом розияллоҳу анҳу Каъб розияллоҳу анҳудан сўрадилар:

- Олимлар илмни англаб, ёдлаб олганларидан сўнг улар қалбидан илмни супуриб ташлайдиган нарса нима?

- Тама, очкўзлик ва одамлардан ҳожатларини (битказиб беришни) сўрамоқ!

- Рост айтдинг!

8. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоби киромлар зуҳди.

Дунёга кўнгил бермаслик борасида ўзимизга намуна қидиргудек бўлсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари, насихатлари ва ҳаёт тарзлари бизнинг талабимизни тўла-тўқис қондиради. У зотнинг Охират неъматлари хусусида айтган сўзлари ва қилган амаллари илоҳий тарбиянинг ажиб самараси эди. Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарига мана бундай таълим берган эди:

“Сиз кўзларингизни Биз айрим тоифаларни фитнага солиш учун баҳраманд қилган ҳаёти дунё гўзалликларидан иборат нарсаларга тикманг! Парвардигорингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир”. (Тоҳо сураси, 131-оят)

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратдан аввал ҳам, кейин ҳам, оғир кунларда ҳам, энгил кунларда ҳам дунё матоларига бепарво бўлиб, Охират

талабида елиб-югуриб, ибодатга муҳаббат қўйиб ҳаёт кечирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам этакларини тутган асҳоби киромлар дунё зоҳидларининг пешволарига айландилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу бир кишининг «Дунёга қизиқмаган, Охиратга рағбат қилганлар қани?» деган сўзларини эшитдилар-да, ўша кишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо қабрларини кўрсатиб, дедилар:

- Сен булар ҳақида сўраяпсан!

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ўз асҳобларига дедилар:

- Сизлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобийларига қараганда кўп намоз ўқийсизлар, рўза тутасизлар ва жиҳод қиласизлар. Аммо улар сизлардан яхшироқ эдилар.

- Қандай қилиб? - сўрашди ҳамсуҳбатлар.

- Улар сизларга қараганда зоҳидроқ ва Охират йўлида рағбатлироқ эдилар. Дунё уларга ҳалол моллари билан келганида саҳобалар уни Аллоҳга яқинлик ҳосил қилмоқ учун тутдилар ва дин хизмати ҳамда Аллоҳ калимасининг олийлиги йўлида сарфлаб юбордилар, - деб жавоб бердилар Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу.

Абу Сулаймон айтадилар:

- Усмон билан Абдураҳмон Аллоҳнинг еридаги хазинаси эдилар. Улар мол-давлатларини Аллоҳ тоати йўлида инфоқ-эҳсон этардилар. Бу икки саҳобий қалблари ва илмлари билан Аллоҳга муомала қилардилар.

9. Исломга ёт бўлган зоҳидлик.

Аллоҳ таоло неъматларидан бутунлай юз ўгириб, уларнинг бирортасидан фойдаланмаслик Ислом руҳига бегона зоҳидлик саналади. Айрим мусулмонлар ана шундай ғайриинсоний зоҳидликдан таъсирланиб қолганлар. Шу боис Аббосийлар давлатининг заифлашган даврида ва ундан кейин ҳам жулдур кийим кийиб, ҳеч қандай касб-ҳунар қилмасдан, фақат садақа-эҳсон билан кун кечирувчи ва тағин ўзларини зоҳид деб даъво қилувчи кимсаларни учратиш мумкин эди. Ҳолбуки бундай ҳаракатсизлик, ўлик ҳаёт ва хорлик Исломга мутлақо ётдир.

Бугун мусулмонлар бундай касалликлардан батамом тuzалганлар. Улар ер юзини гуллатиш, фойда орттириш йўлида тинимсиз ҳаракат қиладилар. Бироқ бугуннинг мусулмонлари фойда ва мол-дунё тўплашга шу қадар берилдиларки, энди биз Охиратдан ғофиллик касалига чалиндик. Бинобарин, Аллоҳни эслатадиган, зоҳидликка чақирадиган, мол-дунё йиғиш мусобақасини тўхтатадиган, шайтон қўйган макр-тузоқлардан огоҳ этадиган ва дунёнинг арзимас матоларию кўпириб-тошувчи шаҳватлари билан ғурурланиб кетишдан қайтарадиган бир эслатмага жуда-жуда муҳтожмиз.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI